Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918—1920 й.), «Қизил байроқ» (1920—1923 й.), «Туркистон» (1923—1924 й.). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й.). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 40 (21. 159) 1992 йил 26 февраль, чоршанба ● Баҳоси 60 тийин.

И. А. КАРИМОВ
Хельсинкига жўнаб кетди

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов 25 февраль куни Тошкентдан Хельсинкига жўнаб кетди. У Финландияда МДҲдаги бошқа давлатлар раҳбарлари билан бирга Европада Ҳавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши якунловчи ҳужжатини имзолашда қатнашади.

1975 йилнинг август ойида имзоланган бу ҳужжат нафақат Европа қитъасида, балки бутун сайёрамизда ҳам тинчликни мустаҳкамлашга, инсон ҳуқуқларига риоя этилишига қаратилган. Уни Америка Қўшма Штатлари, Канада, Туркия давлатларининг бошлиқлари ҳам имзолаганлар.

Якунловчи ҳужжат имзоланганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Европада Ҳавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиб қолади. Ўзбекистон олдида БМТ аъзоси бўлишнинг аниқ-равшан истиқболлари очилади.

Тошкент аэропортида И. А. Каримовни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев, республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Тошкент Ҳокими А. И. Фозилбеков, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Ш. С. Зиёмов, бошқа расмий кишилар кузатиб қолишди.

Тожикистон Республикасининг Тошкентга келган Президенти Р. Н. Набиев И. А. Каримов билан бирга Хельсинкига жўнаб кетди.

(ЎзА).

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

● «Ўзбекистон овози» рўзномаси ва Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгашининг Наврўз байрамини кенг нишонлаш тўғрисидаги ташаббуси қанот ёймоқда.

1-бет

● ХДП аъзолари ихтиёрий жамғармага пул ўтказишмоқда.

● Бошланғич партия ташкилотининг маркази — чойхона.

2-бет

● «Эл отаси эди» — Шароф Рашидов ҳақидаги хотиралардан.

Инсонийлик удумларини жойига қўйиб «Шарофнома» китобини холис хотиралар билан биргаликда яратайлик.

3-бет

● Ливия пойтахти — Триполи билан Жиззах шаҳри ўртасида узвий маданий ва иқтисодий алоқалар йўлга қўйилади.

4-бет

21 март — Наврўз байрами

УМУМХАЛҚ АЙЁМИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия Қўмитасининг «Ўзбекистон овози» рўзномасининг Наврўз байрамини кенг нишонлаш юзасидан белгилаган тадбирлари ҳамда Тошкент вилоят партия кенгашининг бу соҳадаги ташаббусини маъқуллагани бежиз эмас. Чунки, Наврўзга эътибор — халққа эътибор демак. «Наврўз»га эътибор — бу минг йиллик удумларимиз, қадриятларимиз. Табиатга меҳр-муҳаббатимизни ардоқлаш деган гап. Зеро, худди шу кунларда насибамиз она-ерга сочилади. Мўл ҳосилга пойдевор қўйилади. Табиат билан инсон бир-бири билан тил топишади. Қадамжо жойлар зиёрат қилинади. Беморлар, ногиронлар кўнгли ювланади. Том маънода мамлакатимиз мустақиллигининг илк баҳори тантана билан нишонланади, «Наврўз» бизда яшаб, меҳнат қилаётган миллатидан, динидан қатъий назар, ҳар бир кишининг эртанги кунга катта умид уйғотишига шак-шубҳам йўқ.

Бизнинг «Октябрь» жамоа хўжалигимизда ўтган йилги умумхалқ байрами ҳали ҳам ёдимизда, ўшанда бутун жамоа аҳли сайлга чиққанди, карнай-сурнайлар, ўйин-кулгилар бўлганди. Дошқозонларда сумалак, палов, дастурхонларда ноз-неъматлар одамларга мунтазир эди. Эрталаб кўкламги юмушларга кексаларимиз оқ фотиҳа беришди. Пешинга яқин байрам қилиш бошланди. Ўйлайманки, бу йилги, Наврўз байрами ҳам янада жозибали бўлади.

Деҳқонларимиз умумхалқ байрамини кўкламги экин-тикин юмушларига шай ҳолда кутиб олишига ишонаман. Ҳозирнинг ўзидаёқ ерни текислайдиган 10 та тракторнинг 8 таси, 9 ҳайдов ва шунча экиш агрегатининг ҳаммаси таъмирлаб бўлинди. Тўққизта борона ҳам ишга шай. Хуллас, баҳорги экиш билан боғлиқ барча техника деярли таъмирлаб бўлинди. Рўзмохун Тўхтаев, Наби Раймжонов, Фахриддин Мирсултонов, Мадам Пардаев сингари механизаторлар ва созловчилар виждонан ишлашди. Кўкламга тайёргарликнинг бориши жамоа хўжалиги бошқарувида кўриб, эҳтиёт қисмлар қимматлашгани сабабли эски техникани сифатли таъмирлаб, ундан самарали фойдаланиш тадбирлари белгиланди.

Хуллас, Наврўз байрамини ҳар жиҳатдан уюшқоқлик билан кутиб оламиз.

У. ТУРАҚУЛОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Янгийўл райони.

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ

МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗДА КАТТА ВОҚЕА

ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН МУСУЛМОНЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Муҳтарам уламолар!
Азиз меҳмонлар!
Қадрдон ватандошлар!

Маънавий ҳаётимизда катта воқеа бўладиган қурултойингиз билан сизларни чин дилдан табриклайман.

Ўйлайманки, сизнинг бу анжуманингиз нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг диққат марказида турибди. Чунки бу қурултойда эл-юртнинг маънавий камолоти, миллатнинг бахт-саодати йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган, қалблари илоҳий туйғулар нури билан мунаввар бўлган, иймони бутун, эътиқоди мустаҳкам фозилу фузалолар иштирок этмоқдалар.

Сизлар барча мусулмонларни, биродарларни ҳалол, пок яшашга, беғараз, инсофли, кечиримли, ҳамжиҳат, аҳил бўлишга, мансабу бойлик кетидан қувмасликка, ватан, халқ, дин манфаатларини ҳар қандай шахсий таъмадан, иззат-нафслардан баланд қўйишга даъват этасизлар. Эл-юрт бу даъватларга жон дил билан қулоқ солишига ишонаман.

Ҳеч кимга сир эмас: биз ҳозир тарихий тақдиримизнинг ниҳоятда муҳим ва мураккаб даврини бошдан кечирмоқдамиз. Бутун дунё тан олган мустақиллигимиз туфайли асрлар оша давом этган дахшатли таназзул ва мустамлака балоларидан халос бўлмоқдамиз. Қуръони каримда ўзининг чуқур ифодасини топган инсонни иймонли, эътиқодли, виждонли, ҳалол, пок, меҳр-оқибатли қилиш биз олиб бораётган сиёсатнинг асоси бўлиб туради.

Лекин биз яна кимларгадир қарам бўлишимизни истайдиган маккор ва қўпорувчи кучлар, кимсалар тарих саҳнасидан кетган эмас. Улар ёшларимизни ўз иғволари домига тортиш йўли билан ўз қора ниятларини амалга оширишга интилмоқдалар. Бизнинг эркинлигимиз ва мустақиллигимизни кўролмайдиган бахил кишилар ҳатто баъзан дин аҳлини низо гирдобига тортишга, мазҳаблар орасида жанжал кўтариб, фожиа чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Бунинг учун барча ҳушёр бўлиши зарур. Мўътабар ота-оналаримиз, улуғларимиз, маҳалла оқсоқолларимизнинг бу ишдаги кўмаги беқиёс бўлади.

Виждон олий ҳакамдир. Буни унутишга ҳаққимиз йўқ. Бизда барчага қонун билан виждон эркинлиги берилган. Иймон-эътиқод дахлсизлиги учун тегишли имкониятлар яратилган.

Қуръони каримда жами мусулмонлар биродардирлар, дейилгани сизларга яхши маълумдир. Шундай экан, иймон-эътиқоддаги жузъий фарқларни низога айлантирмай, бағри кенг ва кечиримли бўлайлик. Барча билан оға-инидек иноқ яшаш, ҳамжиҳатликда меҳнат қилиш доимо ва, айниқса, ҳозир бутун халқимизга сув билан ҳаводек зарурдир.

Узоқ-яқиндаги азиз ватандошлар ҳам бизнинг меҳримизда, қалбимиздадир. Уларга бағримиз ҳам, эшигимиз ҳам очиқ.

Ватан озодлиги ва фаравон ҳаёт ҳар бир инсоннинг олий мақсади. Маълумингизким, муборак Ҳадислардан бирида «Хуббул Ватан минал ийман», яъни Ватанни севган одамгина мукаммал иймон соҳибидир, дейилган.

Шундай экан, келинглар, азиз биродарлар, Ватанимизнинг тинчлигини, жумҳуриятимиз, қўшниларимиз, бутун халқларнинг осойишталигини, барча мусулмонларнинг яқдиллиги ва аҳиллигини кўз қорачиғидек асрайлик.

Шуни унутмайликки, дунёга донг таратган Исмойил Бухорий, Ҳаким Термизий, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий каби сиймолар сиз қурултой ўтказаётган шу мўътабар замин фарзандларидир.

Биз шу улуғ сиймоларнинг ворислари сифатида халқимизнинг маънавий камолоти, тинч ва фаровон ҳаёти учун жавобгармиз.

Мана шу улкан масъулият ҳисси остида қурултой ўз олдига қўйган вазифаларни, муаммоларни донолик, вазминлик, ҳамжиҳатлик билан ҳал этишга эл-юрт ишонч билан кўз тикиб турибди.

Қурултой ишига яна бир бор муваффақият тилашга ижозат бергайсиз.

Ҳаммамизга Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 25 февраль.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЁРДАМ ЖАМҒАРМАСИГА

«ЮЛДУЗ» ҲИММАТИ

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ БИЛАН ИШЛАБ ТОПИЛГАН МАБЛАҒЛАРИДАН 50 МИНГ СЎМИНИ «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖАМҒАРМАСИГА ЎТКАЗИШДИ

Катта дўкон одамлар билан гавжум. Айниқса, эркаклар костюм-шимлари сотилаётган жойда навбат катта.

— Қаранг бинойидек экан. Худди ўзингизга қўйиб қўйгандек, — дейди ёшгина жувон янги костюмни кийиб турган киши олдида парвона бўлиб.

— Хоҳлашса четникидан қолишмайдиган қилиб тикишаркан-ку, — дейди ўрта яшар киши.

— «Юлдуз»да, — деди жувон ҳамроҳи эгнидаги костюмни ечаркан.

«Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтган йили барча кўрсаткичлар бўйича режалар ортиғи билан адо этилди. 188,6 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб, 25,5 миллион сўм соф фойда олинди. Шунинг 3 миллион сўмдан ортиғини пландан ортиқча олинган фойда ташкил этади.

Чеварлар янги 1992 йилни ҳам бир маромда бошладилар. 49 миллион сўмлик 72 минг донадан зиёд костюм-шим ҳамда бошқа халқ истеъмоли моллари етказиб берилди. Олинган соф фойда 2 миллион 300 минг сўмдан ошиб кетди.

— Бизнинг асосий бойлигимиз одамлар, — дейди бирлашма бош директори Абдуваҳоб Тошпўлатов. — Нимага эришган бўлсак уларнинг фидокорона меҳнати натижасидир.

Ўтган ойда бирлашмамизда ишловчи ҳар бир кишининг ўртача даромади қарийб 1100 сўмни ташкил этди. Илғорлар 1400—1500 сўмдан даромад олдилар. Бундан буён ойлик маош янада ортади.

Бундан ташқари одамларни ижтимоий ҳимоялашга ҳам катта эътибор берилаётир. Масалан, ишчиларнинг овқатланиши учун кунига беш сўм, йўлкираси учун уч сўм, жами саккиз сўмдан пул бериляпти. Чеварлар ва инженер-техник ходимларнинг 500 дан ортиқ фарзанди болалар боғчаларида тарбияланмоқда. Ота-она ҳар бир бола учун ойига атиги 10—12 сўм тўлайди.

Жумҳуриятимизда жунли матолар ишлаб чиқарадиган фабрикалар йўқ. Ана шу етишмовчиликни қоплаш мақсадида бирлашмада куртаклар, аёллар кийимлари тикиш йўлга қўйиляпти. Яқин орада бежирим, сифатли кийимлар пештахталардан ўрин олади.

Кўриниб турибдики, бирлашма меҳнат аҳли яхши ишлаб, самарали изланмоқда. Шунга яраша бири икки бўляпти. Маҳсулот ишлаб чиқариш ортиб, фойда кўпайиб бормоқда.

Яқинда меҳнат жамоаси ўз ҳалол меҳнати билан ишлаб топган маблағнинг бир қисмини яъни эллик минг сўмини ҳозирги танқислик шароитида иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолган «Ўзбекистон овози» рўзномаси жамғармасига ўтказди. Ҳа, «Юлдуз» чиннисозлар ташаббусидан руҳланиб, рўзномамизга ҳиммат кўрсатди.

Бирлашма бош директори Абдуваҳоб Тошпўлатов тикувчи М. Ҳасанова, цех бошлиғи Т. Солиҳова, тикувчи Г. Ғуломова ва бош муҳандис Г. Липодатлар билан маҳсулот сифатини текшириб кўришяпти.
В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

К. РИХСИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ОЗ БЎЛСА ҲАМ, КЎПДАЙ КЎРАРСИЗ

Нуроний отахоннинг виждон амри билан отилиб чиқиб, рўзномамизга ҳиммат қилганларидан хурсанд бўлдик.

— Рўзномангизда чоп этилган «Дўст оғир кунда билинади» мақоласини ўқиб, ҳозирча арзимаган бўлса ҳам, бироз маблағ олиб келгандим. Олинг ўғлим, бизники табаррук, нафақамдан...

— Муштарийларга муроажаатингизни ўқиб, аввалига бундан анча изтиробга ҳам тушдим. Наҳотки, ҳозирги мушкулотлар рўзнома бошига ҳам ўз соясини ташлаган бўлса! Қоғоз қаҳатчилиги, бошқа ашёларнинг тақчиллиги, хизмат ҳақларининг кўтарилиб кетганлиги рўзнома рўзғорига ҳам таъсирини ўтказибди-да. Майли, ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши албатта ёруғ бўлади. Сира умидсиз бўлманглар. Бу кунлар тез вақт ичида унут бўлиши турган гап. Аввало иймон-эътиқоддан айирмасин худо.

Отахоннинг бу астойдиллигидан оқибатли кишиларнинг қалби нечоғлиқ дарёйи уммон эканлигини, ахборотга ташна дилларини, айниқса рўзномага ўрганиб қолганликларини вужудимда яна бир бор чуқур ҳис этдим. Эҳ, қанчалик ҳиммати баланд одамларимиз бор-а! Шундан сўнг отахоннинг раъйиларини қайтаришга сира ўрин қолмаган эди. У киши билан яна бироз суҳбатлашиб ўтирдик.

Тошкент тўқимачилик комбинатида аввал шогирд, кейин мастер ёрдамчиси бўлиб ишлаган эканлар. Уруш бошланганда эса биринчилар қатори урушга кетибдилар. Уруш тугагач, бир неча жанговар орденлар ва медаллар билан тақдирланиб, яна ўз жонажон корхоналарида ўз касблари бўйича ишлашни давом эттирибдилар. Қанчадан-қанча шогирдларга устозлик қилган эканлар. Ҳозир эса пенсияда. Уч ўғил ва бир қизни вояга етказиб, эл-юрт хизматига йўллаптилар. Хуллас ҳавас қилса арзийдиган ҳаёт кечиряптилар.

— Илтимос, — дедилар отахон суҳбатимиз охирида жиддий оҳангда. — Менинг рўзномага ҳадямни ёзиб ўтирманглар. Ҳадисларда бир қўлинг билан қилган яхшилигингни, ҳатто иккинчи қўлинг билмасин, дейилган. Яхшилик, ҳадялар хўжа кўрсинга, ном чиқаришга қилинмайди. Холисона савоб учун қилинади.

Отахоннинг илтимосларига кўра исми-шарифларини атайин келтирмадик.

У киши билан хайрлашар эканман, қалбимда яна бир олам қувонч, дўстлар мададидан чексиз мамнунлик сездим. У киши ҳам албатта шу тахлитда мамнун бўлганликлари аниқ. Исм-шарифларини, маблағларини айтмасам ҳам, лекин бу — чуқур эътиқод, юксак эҳтиром рамзини ёзмасликнинг эпини қилолмадим!

Омон бўлинг, ҳимматли, саховатли халқим фазилатини ўзида мужассамлаштирган азиз одамлар!

Я. ТЎХТАЕВ.

БАҲОР ТАРАДДУДИ

Ғузор районидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалиги аъзолари айни пайтда жорий йил ҳосили учун астойдил меҳнат қиляптилар. Оилавий пудратчи жамоалари баҳорги экин ишларини бошлаб юборишди.

Жамоа хўжалигининг Бойхон Абдуллаев, Жўра Қодиров, Мўмин Ғаниевлар бошлиқ оилавий пудратчилар бригадаларида беш гектар ерда картошка, уч гектар майдонда пиёз экилди.

Шунингдек, Қамаши районидаги Карл Маркс номли давлат хўжалигининг Эргаш Очилов бошлиқ сабзавотчилик бригадасида ҳам беш гектар майдонда агротехника талаблари асосида картошка экилди. Ўтган йил кузда экилган саккиз гектар майдондаги пиёз бир текис ривожланмоқда.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

«АЗАМАТ» — ДЕҲҚОНЛАР ХИЗМАТИДА

Андижон: Кейинги пайтда шахсий томорқа хўжаликларининг оғирини енгил қиладиган деҳқончилик марказлари ташкил этиляпти. Ана шулардан бири Асака районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги идораси ёнига жойлашган «Азамат» кичик корхонасидир. Бу ерда умумий майдони ярим гектарлик иссиқхона бор.

Иссиқхонада асосан кўчат етиштирилиб, сотилади. Шунингдек, жойларда шартнома асосида кўчатчилик билан шуғулланаётган боғбон ва сабзавоткорлар билан алоқа боғланади. Зарурат туғилса, улар орқали ҳам аҳоли талаблари қондирилади.

Энг асосийси, якка хўжаликларни уруғ, ўғит, трактор билан таъминлайди. Ҳозиргача 300 тонна минерал ўғит ва яна шунча фосфорли ва калийли ўғитлар келтириб қўйилди.

Марказ қошида маҳаллий ўғит-компост тайёрловчи махсус отряд ишлаб турибди. Ў транспорт ва юк ташиш техникаси билан таъминланган.

Бундан ташқари «Азамат» ўсимликларнинг парваришлаш даврида қатор ораларини юмшатиш ва шудгорлаш ишларини бажаришни ҳам ўз зиммасига олган.

М. ЖОНУЗОҚОВ.

Эшитмадим деманглар

МУҲОКАМАДА ҲАМКОРЛИК МАСАЛАСИ

● Бурс шаҳри Туркиянинг йирик саноат марказларидан бири ҳисобланади. Бу ерда шаҳар савдо-саноат палатаси анжуман уюштирди.

Анжуман Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги турк тилида сўзлашувчи республикалар билан Туркиянинг хусусий фирмалари ўртасидаги ҳамкорлик муаммолари ҳамда йўлларини муҳокама қилишга бағишланди.

Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон саноат корхоналарининг раҳбарлари, шунингдек, етакчи мутахассислар анжуманда қатнашдилар.

Иштирокчилар ўз республикаларининг иқтисодий ва

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ IV ПЛЕНУМИ ОЛДИДАН

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ДАСТУРИДАН:

● Барча миллатлар ва халқларнинг анъаналарини, диний эътиқодини, маданиятини ҳурмат қилиш, улар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ривожлантириш тарафдоримиз.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ НИЗОМИДАН:

● Бошланғич партия ташкилотлари партия сиёсатини тарғиб қиладилар ва тушунтира борадилар, партия қарорларини бажаришга доир ишларни ташкил этадилар.

● *БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРДА*

БАМАСЛАҲАТ ИШ ТУТИБ

Хўжалигимиз бошланғич партия ташкилоти ўз амалий иши билан дала меҳнаткашлари ишончини оқламоқда. Ҳозир одамларнинг турмушини енгиллатиш билан боғлиқ қандай соҳа бўлса унга чуқур кириб боришга ҳаракат қиламиз. Ҳатто хўжалик бошқаруви билан бирга иш тутиб йўлларга шағаллар бостириш, ҳонадонларга газ тушириш каби ишларга ҳам қўл урдик. Партия ташкилоти аралашуви билан ҳар куни болалар боғчасига 45 литр сут ва арзон нархда гўшт бериладиган бўлди. Шодмонбой Орипов, Мўйдинбой Исоқов, Ҳакимжон Жўраев каби партия фахрийлари ижроия бюро ғамхўрлигига олинди. Обрў-эътибори ошиб бораётгани сабабли кўплаб кишилар сафимизга қабул қилишимизни сўраб ариза ёзмоқдалар. Яқинда Бахтиёржон Жабборов, Нодирбек Ботиров, Улуғбек Ҳожакбаров каби ёшларни сафимизга қабул қилдик. Бошланғич ташкилотимизнинг ҳозир 71 аъзоси бор.

Партия ташкилотимиз фаоллари режага мувофиқ омма ўртасида ташвиқот-тарғибот ишларини олиб бормоқдалар. Хўжалигимиз радио тармоғи орқали ХДПнинг олиб бораётган сиёсати кенг тушунтирилмоқда. Бундан ташқари бевосита жойларга чиқиб, қизиқарли суҳбатлар ҳам ўтказиб турибмиз. Яқинда хўжалигимиз 7-бригадаси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда ХДПнинг дастурий вазифалари ҳақида гап борди. Бригада аъзолари ХДП фаолиятини, унинг оддий кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида олиб бораётган ишларини маъқуллардилар. Бундай мулоқотлар партиямиз нуфузини кўтаришда муҳим аҳамият касб этяпти.

А. ҲОЖИМАТОВ,
Андижон вилояти, Избоскан районидаги Ш. Юсупов номли хўжалик бошланғич партия ташкилотининг котиби.

● Партия ахбороти

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Пленуми олдидан кўпгина район, шаҳар партия ташкилотларида дастлабки иш якунлари чиқарилмоқда. Бу иш хулосаларининг анжуманга қўйилиши жамият ҳаётида муҳим ўрин тутишига шубҳа йўқ.

Ўрта Чирчиқ район партия кенгашининг ҳам пленумда айтадиган фикри ва кўрсатадиган тажрибаси бор. Бунинг учун кенгаш вакиллари ҳар доим жамоа, давлат хўжаликлари, саноат, қурилиш ташкилотлари, одамлар орасида бўлиб уларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганишяпти. Кишиларга яқин бўлиш, улар манфаатини ҳимоя қилиш ва кўнглига йўл топишда кексалар маслаҳатидан, йўл-йўриғидан кенг фойда-

МАРКАЗ—ЧОЙХОНА

ланилгани муаммоларни хулосалашда ва уларни ечишда қўл келади.

Тўйтепа шаҳридаги «Оқсоқол» чойхонаси қошида ҳудудий бошланғич партия ташкилотини тузиш фикри ҳам шундай мулоқотлар мевасидир. Гап шундаки, чойхона қошида имтиёзли кишиларга ойида икки марта хизмат кўрсатадиган «Фахрия» дўконига ташриф буюрганлар чойхонада чой ичмасдан уйга қайтмайдилар, албатта. Агар партия ташкилоти тузилса, унинг аъзолари худди ана шу ерда бир пиёла чой устида кўп хайрли ишларни амалга ошириш хусусида бош қотирган, маслаҳатлашиб ечим топган бўлишарди. Чунки фахрийлар орасида деҳқонлар, ишчилар, ўқитувчилар, бозор, кинолаштириш ва милиция ходимлари каби турли касб эгалари бор. Уларнинг саъйи ҳаракатлари бирлаштирилса борми... Қувончли жиҳати шуки, бундай таклифга шаҳардаги Муқимий маҳалласи отахонлари ҳам бажонидил қўшилдилар. Натижада ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафига қўшилишни истаганлар сони 20 нафардан ошди.

Чойхона—бошланғич партия ташкилотининг маркази бўлади. Ташкилотнинг мақсади эса кўча-кўйда, жамоат жойларида ёшлар тарбияси, маҳалла ташвиши ва жамоат иши билан чинакамига шуғулланишдан иборатдир.

А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЧИМЁН ВА АМЕРИКА ТАМҒАСИ

Шу йил охирларида Фарғона вилояти ҳамда қўшни вилоятлар озиқ-овқат корхоналарига чиқариладиган курка гўштида «Ўзбекчикин» — Ўзбек-Америка қўшма корхонаси тамғаси бўлади. АҚШнинг «Агртаинтернешнл» фирмаси Фарғона шаҳридан хиёл олисдаги қирлар бағридаги Чимён парранда гўшти ишлаб чиқариш корхонаси базасида курка гўшти тайёрлайдиган корхона қурилишига бош қўшди. Бу билан 80-йиллар ўрталарида ишга туширилган Чимён бройлер корхонаси ҳаётида янги саҳифа очилди.

Маълумки, курка гўшти тўйимли озуқа бўлиб, тез ҳазм бўлиши, турли витаминларга бойлиги билан ажралиб туради. Афсуски, республикамиз шароитида тез кўпайтириш имкони бўлган бу паррандага бизда эътибор етарли даражада эмас. Илғор технология асосида боқилган курка тез етилади, уларнинг айримлари 10—15 килограммга етказиб гўшт беради. Ўтган йилнинг август ойида Америка ишбилармонлари Чимён парранда гўшти етиштириш корхонасида бўлиб, куркачиликни ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжудлигини қайд этишди. Кўп ўтмай корхона жамоаси ижара усулида ишлашга ўтди. Бу эса қўшма корхона барпо қилиш учун янада қулай шароитлар яратди. Фирма билан тузилган шартномадан сўнг корхонани куркачиликка ихтисослаштириш ишлари жадал бошлаб юборилди.

— Республика ҳукумати ташаббусимизни қўллаб-қувватлади, — дейди корхона директори Х. Йўлдошев. — Валюта масаласидаги мураккабликларга қарамай, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси бизга етарли миқдорда доллар ҳисобида маблағ ажратди.

Қурилиш ишларини бошлаб юбордик. Аммо, ўзимизга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, қурилиш жараёнида айрим сустлик бўлиб турибди. Масалан, 1 миллион 700 долларлик технология, асбоб-ускуна ва жиҳозлар Одесса ҳамда Санкт-Петербург портларида турли сабаблар билан узоқ ушлаб қолинди.

Корхона курка тухумини ҳам хориждан олмоқда. Ҳозирга қадар 450 минг дона курка тухуми етказиб келинди. Куркачилик қўшма корхонаси тўла ишга тушгандан сўнг бу ерда йилига 32 минг тонна курка гўшти ишлаб чиқарила бошланади. Чимёнликлар шу йил охириданоқ меҳнаткашлар дастурхонига янги гўшт туҳфа қилиш ниятидалар.

Қўшма корхонада 750 нафар одам ишлайди. Бундан ташқари корхонанинг Риштон, Бағдод районларида ҳам филиаллари қурилади. Шунингдек, корхона ҳузурида курка патидан кўрпа-ёстиқ ишлаб чиқарадиган фабрика ишга тушади.

Озиқ-овқат, айниқса, гўшт танқислиги яққол сезилиб турган шу кунларда тўйимли, шифобахш гўшт тайёрлайдиган қўшма корхона қурилиши фарғоналиклар учун айни муддаодир. Зеро, ҳозирги пайтда вилоятда курка гўшти деярли ишлаб чиқарилмайди. Шахсий томорқалардаги куркачилик эса эҳтиёжни қондира олмайди. АҚШлик ишбилармонлар бизга шу соҳада ёрдам берар эканлар, уларга фақат раҳмат айтамиз.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қўлни беринг, хориждаги шериклар!

САФЛАР КЕНГАЙМОҚДА

20-йилларда ташкил топган Қарши локомотив депоси жамоаси ўзининг бой тарихий йилномаси, юзлаб темирйўлчилар сулоласи ва байналмилаллик анъаналари билан ном чиқарган. Деподаги ХДП аъзоларининг умумий йиғилишида бу нарса яна бир бор кўзга яққол ташланди. Улар бошланғич партия ташкилоти атрофига янада жипслашиб, ўз олдиларига катта вазифаларни бир ёқадан бош чиқариб уддалашга интилишмоқда.

— Илгари партия ташкилотимизда 62 нафар коммунист бор эди, — умумий йиғилишни оча туриб эслатди депо бошланғич партия ташкилотининг котиби С. Ҳафизов. — Ҳозир эса Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари сони 73 нафарга етди. Шунинг ўзиданоқ янги партиямизнинг обрўси ошиб бораётганлиги кўриниб турибди. Бугунги умумий йиғилишимиз кун тартибига иккита масала қўйилмоқда: биринчиси, ХДП аъзоларига мувақкат гувоҳномаларни топшириш бўлса, иккинчиси партияга кириш учун берилган аризаларни кўриб чиқишдан иборат.

ЎзХДП Қарши шаҳар кенгашининг биринчи котиби А. Очилов партия йиғилиши қатнашчиларини бу маросим билан қизғин қутлаб, уларга тантанали равишда мувақкат гувоҳномаларни топширди. Н. Подерянский, А. Куликов, А. Скибин. Т. Усмонов, Н. Силантов, К. Турсунов, М. Ҳабибуллаев ва бошқалар Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзолик мувақкат гувоҳномасини олар эканлар, эл-юрт манфаатлари йўлида ҳалол ва фидокорона меҳнат қилиб, партия аъзоси деган юксак номни пок сақлашга сўз бердилар.

Шундан сўнг иккинчи масалага ўтилди. Биринчи бўлиб смена мастери Н. Бойсариевдан тушган ариза кўрилди. Нурали Тошкент темир йўл транспорти институтини битириб, бир неча йиллардан бери меҳнат жамоасида катта-кичик ишларда тер тўкиб еляпти, ишчанлиги билан обрў-эътибор топмоқда.

Йиғилиш қатнашчилари Нуралига қатор саволлар беришди. Айниқса, унинг ХДПга нима учун киряпсиз, деган саволга: — «Партиянинг ҳозирги обрўсини янада ошириш, ҳозирги мураккаб ва қийин шароитда қўлимдан келганча унга кўмаклашиш учун кираяпман», — берган қатъий жавоби ҳаммани мамнун этди. Н. Бойсариев ХДП аъзолигига яқдил овоз билан қабул қилинди.

Катта нарядчи Светлана Черелчук ҳам ХДП аъзоси бўлиш учун бошланғич партия ташкилотига ариза берган эди. Светлананинг тенгдошлари, ҳамкасблари у партия аъзолигига лойиқ деган қарорга келдилар. Чунки, у ҳам зиммасига юклатилган ишларни сидқидилдан бажариб ўрнак бўлаётир. «Байналмилалликни нимадан иборат деб тушунасиз?» деган саволга Светлана иккиланмасдан: «Ҳамма миллат вакилларининг аҳил ва бир ёқадан бош чиқариб аниқ мақсад сари ҳаракат қилишни байналмилаллик деб биламан» деди. Партия аъзолари С. Черелчукни ҳам ХДП аъзоси бўлганлиги билан қизғин табриклашди.

Йиғилиш охирлаб қолганда кутилмаганда депо касаба уюшмаси ташкилотининг раиси Ш. Исмоилов сўз сўради.

— Мен 1983 йилдан КПСС аъзоси эдим, — гап бошлади у. — Очиғи янги партияга ишонқирамай бироз иккиланиб юргандим. Ўйласам ХДПга ўтмай хато қилган эканман. Шунинг учун мени ХДП аъзолигига қайта рўйхатга олсангизлар.

Йиғилиш раиси кимда қандай таклиф бор дея партия аъзоларига юзланди. Айримлар: «иккиланган кишилар бизга керак эмас», деган луқма ташлашди. Шунда партия аъзоларидан, депо оқсоқоллари Н. Ситников, Ш. Шойқулов ва бошқалар «Агар ўз хатосини тушуниб қатъий фикрга келган экан, унинг илтимосини қондириш керак», деб таклифни ўртага ташладилар. Бу таклифни партия аъзолари кўпчилиги қўллаб-қувватлашди.

Темирйўлчилар партия йиғилишида халқ депутатлари Қарши шаҳар кенгаши раиси, Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят ва шаҳар кенгашлари аъзоси М. А. Маҳмудов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Йиғилишда шунингдек ХДП Қарши шаҳар кенгаши котиби М. Туробов иштирок этди.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● *Янгиликни шарҳлаймиз*

ИХТИЁРИЙ ЖАМҒАРМА

Ўзбекистон ХДП Қизилтепа райони бошланғич ташкилотлари котибларининг ўқув машғулоти аввалгиларига мутлақо ўхшамади. Ўқув амалий мулоқот, савол-жавоб руҳида ўтиб, қатнашчилар ўз фикрларини эркин баён этдилар.

Мулоқотда жуда кўп таклифлар ўртага ташланди. «Ленинград» жамоа хўжалигида ҳашар йўли билан масжид қуриш, савдода тартиб ўрнатиш мақсадида депутатлар иштирокида ХДП аъзолари рейдларини уюштириш ва ҳоказолар ана шулар жумласидандир.

Шулардан энг муҳими район фуқароларининг кам таъминланган қисмига моддий ёрдам бериш, қадр-қимматини тиклаш, партия аъзолари ҳамда омма ташаббускорлигини ошириш, ободонлаштириш ишларини авж олдириш мақсадида «Меҳр-мурувват ва раҳбат» ихтиёрий жамғармасини ташкил этиш тўғрисида бир гуруҳ партия аъзолари бошлаган ташаббус бўлди.

Айни вақтда район деҳқончилик саноати ва тижорат банки ҳузурида жамғармаларнинг махсус ҳисоб рақами очилган. Фуқаролардан, ташкилот, корхона, муассасалардан ихтиёрий равишда пул ўтказиляпти. Халқ демократик партияси аъзоси Шавкат Камолов, уруш ва меҳнат фахрийси Амриддин Баҳриддинов, район жамғармаси жамоаси бу жамғармага биринчилардан бўлиб маблағ ўтказдилар. Жамғармага пул тушиши давом этяпти.

Тўпланган маблағлар назорат комиссияси тавсияси билан ҳамда тасдиқланган низом асосида сарфланади. Бу жамғарма фақат Халқ демократик партияси аъзолари учун эмас, балки ҳамма учун ҳизмат қилади.

Б. ЭГАМОВ.
Бухоро вилояти.

ИШБИЛАРМОНЛИК КИФОЯМИ?

Эндиликда чинакам иқтисодчи, воситачи, қолаверса, ҳисобдон тадбиркор ҳам бўлиш керак, дейишмоқда Навоий электр кимё заводи мутахассислари.

Ҳозирги иқтисодий тангликдан, бозор муносабатлари шароитида жумҳуриятимиздаги кўплаб саноат корхоналари, жумладан Навоий электр кимё заводи ҳам тўла қувват билан ишлай олмаяпти. Чунки бошқа саноат корхоналари сингари мазкур завод ҳам асосан ташқаридан келтирилган хом ашё ҳисобига ишлайди.

Афсуски, энди илгаригидек хом ашё сероб ёки арзон эмас. Бунинг устига энди Иттифоқ фонди ҳам йўқ, иқтисодий алоқаларга ҳам ишониб бўлмай қолди.

Хўш, унда нима қилмоқ керак? Балки заводни вақтинча ёпиб қўйган маъқулдир. Ёки ҳамдўст мустақил давлатлараро мукаммал, қатъий бир шартнома шартлари ишлаб чиқилгунга қадар айрим цехларни тўхтатиш лозимдир?! Хуллас, завод раҳбарларининг боши қотган. Агар завод иши тўхтатиладиган бўлса салкам 3 минг кимёгар беиш, бемаош қолади. Уларнинг оиласи, бола-чақасини ҳисобга оладиган бўлсак, қарийб ўн минг кишининг аҳволи билан ҳисоблашмай илож йўқ.

— Бир-биридан мураккаб муаммолар боис биз чет элларга чиқишга, хориждан ишбилармон шериклар топиб, валюта ишлашга аҳд қилдик, — дейди корхона директори Ядулла Орзиқулов. — Аслида ягона йўл ҳам шу. Фақат хориж билан ҳамкорликкина ишчи-мутахассисларимиз жонига оро кириши, завод иқтисодиётини изга туширишни мумкин. Ана шу мақсадда Россиянинг у ёки бу худудларидан олинаётган хом ашё турларидан воз кечяпмиз. Чунки россиялик «ишбилармон»лар хом ашёлар нархини кун сайин оширишяпти. Ҳатто собиқ «Союзагрохим» ўрнига янги тузилган «Агрохимроссия» бирлашмаси ҳар тоннаси 13 минг сўм бўлган «Парахлорбензотрифторит» препаратини эндиликда 100 минг сўмга чиқаришди. Ёки тоннаси 200 сўм бўлган «Салвинт» препаратини 13-14 минг сўмга кўтаришди. Демак, юқорида таъкидлаганимдек, бирдан-бир йўл — хорижга чиқиш!

Дарҳақиқат, Ядулла Шералиевич ҳақ гапни айтди. Заводни ҳозирги нарх-наво билан рақобатлаштира оладиган, унинг иқтисодиёти, рентабеллигини кўтарадиган ягона йўл, — бу чет эл технологиясига таяниш, хориж билан маҳсулот айирбошлашдир.

Ана шу ниятда навоийлик кимёгарлар ўтган йил кузидан бошлаб Ҳиндистон, Хитой, Франция, Италия, Аргентина, Венгрия, Сингапур каби ўнлаб мамлакатлар билан узоқ муддатли шартномалар тузишди. Бу мамлакатлар воситачилари заводдан фозалон, бензофосфат, гербицид каби кимёвий моддалар олишмоқчи. Эвазига эса халқ истеъмол моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришади.

Айниқса, хитойликлар билан бошланган ҳамкорлик диққатга сазовор. Бу республика қишлоқ хўжалиги ходимларига Навоий шаҳридан шу йил биринчи чорагида 100 тонна ноёб нитрон препарати етказиб бериладиган бўлди. Бу ўринда ҳар тонна нитрон хорижда 5 минг доллар эканини ҳам назарда тутиш керак. Унинг ўрнига эса Хитойдан 23 хилдаги кийим-кечаклар, кўйлаклар, сочиқ ва пальтолар, пайпоқ ҳамда турли пойабзаллар олинади.

Энг қувончлиси, бу чет эл молларининг завод жамоасига арзон нархда сотилиши мўлжалланаётганидир. Моллар арзон нархда сотилса-да, заводга яна 15 миллион сўм соф фойда қолади. Мана, сизга хориж билан шерик бўлишнинг дастлабки шарофати!

Биз фақат биргина мамлакат билан алоқамиз хусусида фикр юритдик. Аслида ҳозир франциялик, ҳиндистонлик, италиялик фермерлар ер эгалари ҳам нитрат, фозалон сўраб заводга телеграммалар жўнатишаяпти.

Хориждагилар нафақат қишлоқ хўжалик экинлари учун кимёвий моддалар, балки заводдан чиқаётган кенг истеъмол молларига ҳам умид боғлашмоқда. Масалан, «Кварк», «Лима», «Зоокумарин» сингари шампунь ва кремларга, 75-100 литрлик металл идишларга ҳам талаб катта. Айниқса, «Диаменотриэтольбензол» деган тақчил хом ашёси хорижликларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Энди завод муҳандисларининг қўшма корхоналар очиш борасидаги ибратли ишларига тўхталсак, бу ўринда ҳам хориж билан ҳамкорлик қўл келди. Италиялик ишбилармонлар билан амалий изланиш заводда энг паст навли пахта толасидан ип йигирув цехи очишга имкон берди. Ҳозир Италияда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар бу янги цехда ўрнатилмоқда. Яқин кунларда цех ўзининг дастлабки маҳсулотини ишлаб чиқара бошлайди. Маҳсулотнинг тенг ярми валюта ҳисобига Италияга олиб кетилади.

Ҳа, ишбилармонликнинг ўзи кифоя эмас. Эндиликда чинакам иқтисодчи, воситачи, қолаверса ҳисобдон, тадбиркор ҳам бўлмоқ керак. Завод раҳбарлари, мутахассислари хориж билан ҳамкорлик қилиш эвазига иқтисодий тангликдан аста-секин қутулишмоқда. Натижада ҳозирнинг ўзидаёқ завод ишчиларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, уларнинг туриш-турмушини яхшилаш борасида туб бурилишга эришилди. Ҳозир заводда ҳар бир ишчига 1000-1200 сўмдан маош белгиланган. Зарарли цехларда ишлаётганларга бепул тушлик, парҳез таомлар бериляпти. Ишчиларнинг автобусда келиб-кетиши, фарзандлари боғча-яслиларда тарбияланиши ҳам бепул, ётоқхоналар, ишчи ошхоналари эса арзонлаштирилган.

Хуллас, мустақиллик йўлини танлаб олган навоийлик саноатчиларга хорижда ишбилармон шериклар топиши учун қанчалик кенг йўл очилса, уларнинг хайрли ташаббусларини қўллаб-қувватласак, завод иқтисодиёти, рентабеллиги муттасил юксалавериши кўриниб турибди.

М. ШАРОПОВ
«Бухоро ҳақиқати» рўзномасининг Навоий ҳудудидаги мухбири.

● ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ

МУРУВВАТ ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

24 февраль куни Туркиядан Америка тайёрасида республикамиз пойтахтига хайрия ёрдами келди. Қардош мамлакат ҳукумати ҳозир жумҳуриятимиз бошдан кечираётган иқтисодий қийинчиликларни бироз бўлсада енгиллаштириш мақсадида 21 тоннадан зиёд озиқ-овқат маҳсулотлари юборди. Энди дори-дармон ва тиббиёт асбоб-ускуналарининг катта туркуми келиши кутилмоқда.

— Туркия халқининг мурувватини сира унутмаймиз, — дейди Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Р. Султонов. — Ҳаммамиз учун машаққатли шу кунларда бу инсонпарварлик ёрдами катта аҳамиятга эга. Ундан аввало энг ночор оилалар, қаровчисиз қолган қариялар, етим-есирлар баҳраманд бўлади. Бунинг учун жумҳурият ҳукуматининг махсус комиссияси тузилган бўлиб, хайрия ёрдамини тақсимлаш унинг зиммасига юклатилган. Мазкур комиссия таркибида жумҳурият барча вазирликларининг вакиллари бор.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

Юкларни тушириб олиш пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат. (ЎзА).

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ЧЕГАРАЛАР МУҚАДДАС

● Москвада давлат чегарасини қўриқлаш қўмитасида чегара қўшинлари қўмондонлигининг Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқлари мухтор вакиллари билан амалий учрашув бўлди.

Учрашувда ҳамдўстлик давлатларининг ташқи чегараларини ва денгиз иқтисодий зонасини қўриқлашга, чегара қўшинлари мақомига доир ҳужжатлар лойиҳалари муҳокама қилинди. Айни чоғда юқорида номлари тилга олинган қўшинларнинг бирлашган қўмондонлиги ҳақидаги Низоми ҳам атрофлича ўрганиб чиқилди.

Маълумки, яқин кунлар ичида Киевда ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг учрашуви бўлади. Бунда Москвадаги анжуман қатнашчилари айтган таклиф ва мулоҳазалар ҳам ўрганиб чиқилиши кўзда тутиляпти.

ҲАМ БОШ ВАЗИР ЎРИНБОСАРИ, ҲАМ ВАЗИР

● Михаил Полторанин Россия матбуот ва ахборот вазири этиб тайинланганлиги муштарийларга маълум. У айни чоғда Россия ҳукумати бош вазирининг ўринбосари ҳам бўлди.

Илгаригидек М. Полторанин матбуот масалаларига етакчилик қилаверади.

ТЎРТИНЧИ ДАВРА

● Вашингтонда Яқин Шарққа бағишлаб ўтказилаётган сулҳ музокараларининг тўртинчи даврасида Исроил, Сурия, Ливан ва Иордания, Фаластин делегацияларининг вакиллари иштирок этишмоқда.

Музокараларнинг олдинги уч давраси Мадрид, Вашингтон ва Москвада ўтказилган эди. Бу галги учрашувдан умид катта. Уни сулҳ музокараларида сўнгги давра бўлса керак, деб умид билдирилмоқда.

МУҲИМ ВОҚЕА

● «Ҳинду» рўзномасининг мухбири Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Матхавсинх Соланки билан суҳбатлашди.

Вазир собиқ СССРда рўй берган ўзгаришларни «Урушдан кейинги тарихдаги муҳим воқеалардан бири — ҳатто энг муҳим воқеа» деб баҳолади.

Ҳиндистон собиқ Совет Иттифоқи билан алоқалар даражасига асосланган янги муносабатларнинг режаларини Россия ва Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги бошқа республикалар билан бирга давом эттиришга интилмоқда, дейилади суҳбатда.

ПОКИСТОНГА ТАШРИФ

● Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев Покистонга расмий ташриф буюрди.

Унинг Покистон Бош вазири Наваз Шариф билан расмий музокаралари биринчи кунида бир қанча масалалар юзасидан ҳамжиҳатликка эришилди. Халқаро ва маҳаллий ишларга, икки томонлама алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш истиқболларига тааллуқли кўпгина долзарб муаммолар кўриб чиқилди. Қозоғистон Президенти Покистон билан икки томонлама муносабатларни ривожлантиришни ёқлаб гапирди.

ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТНИНГ ФИКРИ

● Россия Федерациясининг вице-президенти Александр Руцкой Фавқулодда ҳолат давлат комитети иши бўйича ҳибсга олинган кишилар устидан терговни тўхтатиш ва ҳаммаларини озод қилишни ёқлаб гапирди.

Ҳозир, деди у, бу мавзу жамиятни тўлқинлантириб турибди. Тўғри, айбдорлар жазоланиши керак. Жазоланганда ҳам маънавий жиҳатдан. Улар бу борада жуда қаттиқ, руҳан азоб чекмоқдалар. Шу боис мен уларни ёшлари бир ерга бориб қолгани учун озод қилиб юборган бўлардим.

КАСАЛХОНАГА ЕТҚИЗИЛДИ

● Эрих Хонеккер Москвадаги Боткин номли касалхонага олиб келинди.

Чили Республикаси элчихонасидан шуни хабар қилишди. Собиқ ГДР раҳбари бу ерда шу кунгача Чили элчисининг шахсий меҳмони бўлиб турган эди.

ВАЗИРНИНГ ОГОҲЛАНТИРИШИ

● Молдова иқтисоднёт ва молия вазири Константин Тамп Россияни Молдовага «трактор, автомобиль, ускуналар нархини ҳаддан зиёд ошириб, беҳад тазйиқ» ўтказишда айблади.

Ҳисоб-китобларга ишониладиган бўлинса, Молдова Россияга 10 миллиард сўмга яқин қўшимча пул тўлашга мажбурдир. Молдова учун бу жуда катта миқдордаги пулдир. Республика тегишли чоралар кўришга мажбур бўлади, деди вазир.

(Кундалик рўзномалар ва жаҳон агентликлари хабарлари асосида тайёрланди).

1.

ЭЛ ОТАСИ ЭДИ

Шароф Рашидов ҳақидаги хотиралардан

Шароф Рашидовнинг матбуот ходимларига, умуман ижод аҳлига меҳри ўзгача эди. Кўпдан-кўп муаммолар билан банд бўлишига қарамай улар билан учрашиб туришга, мулоқотда бўлишга вақт топа оларди.

СУРАТДА: Ш. Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти (ҳозирги республика «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни)нинг «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») рўзномасини саҳифалаш бўлимида. Чапда — Марказий Комитет котиблари И. Г. Анисимкин ва О. У. Салимов, ўнгда эса саҳифаловчи О. Иброҳимов.

I. «САЖДА ҚИЛИШДАН ОР ЭТМАСМАН»

Ҳар сафаргидек, бюро кун тартибидаги асосий масалалардан сўнг аппеляция (норозилик аризалари)ни кўришга ўтилди. Парткомиссия вакилининг ахборотига қараганда, ариза муаллифи бўлмиш форишлик аёл савдо дўконида ишлаган. Текшириш жараёнида уч минг сўм камомад аниқланган. Райком уни партия сафидан ўчирган.

Камомад исботланган, суд ҳукми бор. Одатда бундай вазиятда, биз ҳеч қандай ёрдам бера олмаймиз, эл ҳақига хиёнат қилганлар сафимизда бўлмаслиги керак, Низомда шундай дейилган, уни бузишга ҳаққимиз йўқ, маънодаги гап-сўзлар айтиларди-ю шу билан масалага нуқта қўйиларди. Расмий томондан ёндошиладиган бўлса бундай хулосага бирор кимсанинг эътироз билдириши ҳам амри-маҳол.

...Пойгакда тик турган, ёши қирқ-қирқ бешларга бориб қолган, ўрта бўйли, қорачадан келган аёлнинг ҳолатига назар солиб ўтирган Шароф ака савол ташлади:

— Қани, сингил, айтингчи, қандай қилиб бундай ҳол юз берди?

— Ишонинглар, билмайман, камомад чиққанлиги аниқ, лекин мен ўғирлик қилмаганман, худо ҳаққи ишонинглар, қасам ичиб айтаман бу сўзларни. Камомадни тўладим, лекин суд ҳукми билан бўйнимда иснод тамғаси бор, бу тамға партиядан ҳайдалишимга олиб келяпти. Ҳар нарсага розиман, аммо мана шунисига — партиядан ўчирилишимга чидай олмайман.

Шароф ака атрофга назар ташлади, ҳамма чуқур ўйга толганди.

— Нима қилдик, ўртоқлар, кимда қандай фикр бор? — сўради у бюро аъзоларидан. Афтидан парткомиссия таклифи ва хулосаларига ҳеч кимда эътироз йўқдек. Ҳамма жим.

— Нима қилдик, синглим, биз ҳам қийин аҳволда қолдик, — Шароф ака яна ўша аёлга мурожаат этди.

Шу пайтгача ўзини катта куч билан босиб турган экан шекилли, аёл бу ёғига ортиқ чи-

2.

дайолмади, ички ҳаяжони бамисоли вулқондек ташқарига отилиб чиқди.

— Ўртоқлар, ишонинглар, шу ерда, сизларнинг тимсолингизда адолат бор, деган умид билан келдим. Яқинда армияда хизмат қилаётган катта ўғлимдан хат олдим — партия сафига кирибди. Ойижон, сизга ҳавас қилардим, сизнинг изингиздан бориш орзуим эди, мана ниятимга етдим. Мени табриклашингиз мумкин, депти. Ҳадемай у хизматни тугаллаб, қайтиб келади. Қани айтингларчи, мен нима дейман, қайси юз , қайси кўз билан қарайман унга. Бошқа болаларимга қайси тил билан тушунтира оламан. Умуман тушунармиканлар мени?

Аёл ҳаяжони кучайгандан энтикиб кетди. Ўзини босиб олиш мақсадида бўлса керак, бироз тин олди, сўнгра босиқроқ овозда гапини давом эттирмоқчи эди, аммо бу қўлидан келмади.

— Қани энди ер ёрилсаю унга кириб кетсам. Суд ҳукмидан қўрқмайман, баъзиларнинг маломатларига ҳам чидаш мумкин, аммо ўз болаларининг «Ойижон, буни қандай тушунмоқ керак», маъносидаги илтижоли боқишларига юрак дош беролмайди. Мана шу мени ўртаётган, қалбимни чўғ каби куйдираётган нарса. Мана шунисига чидолмайман, кучим ҳам, бардошим ҳам етмайди. Тушунтира олямпанми, сизларга, жазодан қўрқаётганим йўқ, болаларимнинг савол тўла нигоҳидан даҳшатга тушаяпман. Шундан кейин мен қандай қилиб уларга насиҳат қила оламан, қайси юз билан камчилик ва хатолари учун дашном бера оламан. Мен учун бу дўзах азобидан ўн баробар ортиқдир. Даҳшатга тушаётганимнинг маъноси ҳам шунда.

Аёл кутилмаганда бирдан жимиб қолди. Унинг ҳолатида ясамалик йўқ эди, шу сабабли сўзлари ҳозир бўлганларга кучли таъсир этганди. Ҳамма чуқур ўйга толган, нима дейишга ҳам ҳайрон.

Сукунатни яна Шароф ака бузди.

— Қандай фикрга келамиз?

Бюро аъзолари ўзаро савол назари билан бир-бирларига қарашди, баъзилари ноилож-лик аломати сифатида елка қисди, лекин ҳеч ким бир калима сўз топиб айтолмади. Аёлдаги ҳолат уларга ҳам таъсир этган бўлса ажаб эмас. Киши ҳаяжонланганида жиддийроқ фикр ҳа деганда келавермайди.

Шу пайт Шароф ака бутунлай кутилмаган савол берди.

— Неча фарзандингиз бор, синглим?

— Олти ўғлим бор, боя айтганимдек, каттаси армияда, иккинчиси шу йил кузида хизматга кетади, қолганлари мактабда ўқишади, —аёл илтижоли нигоҳларини ўтирганларга қадади.

— Қаранг, ҳаёт қизиқ, жумбоқларга тўла, — деди Шароф ака. — Биров интилиб, профессор бўлади ёки корхона-ташкилот раҳбари, айтайлик хотини доцент ёки илмий ходим. Бола кўришни истамайди улар, бола ҳаёт лаззатини тўлалиги билан татишга, илмда, хизматда янада юқорироқ поғоналарга кўтарилишга халақит берармиш. Боланинг ўрнигаит ёки мушук асрашади уйларида. Топганларини еб-ичишга, сайри-саёҳат қилишга сарфлашади. Мана бу оддий ўзбек аёли эса элимизга олти паҳлавонни ҳадя этипти. Ўйланиб қолади киши шундай пайтларда — ким кўпроқ наф келтиряпти юртга — ўзи учун яшаб ўтаётганларми (гарчи уларнинг мавқеи ва амали юқорироқ бўлса ҳам) ёки ҳаётини болаларига бахшида этаётган мана бундай оддий опа-сингилларимизми?

Шароф ака сафдошларига савол назари билан қараганча бироз тин олди, сўнгра ўша босиқлик, ўша самимийлик, кишига нисбатан меҳр тўла оҳангда яна сўзида давом этди:

«Дунёдан ўтиб кетганларнинг фақат яхши сифатларини ёд этинглар. Ёмон сифатларидан тилингизни тийинглар».

— Тўғри, қонунларимиз олдида ҳаммамиз, ҳеч бир истисносиз, тенгмиз. Лекин бу масалада ҳарфхўр бўлиш ҳам унчалик тўғри эмас, фикримча. Сизлар қандай қарайсизлар, нима дейсизлар, менда шундай таклиф бор: шу олти паҳлавон — келгусида юртимизга бел боғлаб хизмат қиладиган азаматларни етиштирётганлиги учун синглимизнинг гуноҳидан ўтсак. Шундай қарорга келсак, фикримча, ҳеч биримиз виждонимиз олдида қийналмаймиз, руҳимиз тетик бўлади.

Ҳозир бўлганларнинг барчаси ярқ этиб Шароф акага қарашди. Бу қараш кўпдан бери оғир жумбоқни еча олмай қийин аҳволга тушиб қолган кишининг бирдан нажот йўлини топган ҳолатини эслатарди. Ҳамманинг руҳиятигина эмас, балки бутун борлиғи енгил тортгандай бўлди. Бу ҳолат уларнинг юз-кўзларида шундоққина балқиб турарди.

— Тўғри, жуда тўғри, — деган тасдиқ овозлари такрор ва такрор янгради.

— Мана, синглим, шундай қарорга келдик. Болаларингизга бош бўлинг, уларнинг яхши кунлари сизга насиб этсин.

— Айтардим ҳақиқат бор деб, адолат бор деб, мен уларни топдим, — аёл ўзини ортиқ ушлаб туролмади, энтикиб-энтикиб йиғлади. Кўз ёшларини тия олмади. — Дунё тургунча туринг. Шароф ака, бизнинг бахтимизга, юртимиз иқболига, — шундай дея у чиқиб кетди.

Шу пайт Иван Георгиевич Анисимкин (у киши ўша пайтда Марказий Комитетнинг саноат, қурилиш ва алоқа масалалари бўйича котиби эди) ўрнидан турди:

— Ўртоқлар, мени тўғри тушунишингизни истардим, бюро аъзолари ўртасида ёши каттаси ҳам, иш стажи бўйича улуғи ҳам ўзимман. Ҳозиргина бўлиб ўтган воқеадан олган таассуротимиз, ҳаяжонимиз ҳали босилганча йўқ. Эндиликда мени бошқа нарса ўйлантириб қўйди. Нега ва нима учун Шароф Рашидович бизга, ўз сафдошларига қайта-қайта мурожаат этишига қарамай, масалани адолатли ҳал этишга қаратилган бирор сўз бизда топилмади. Нега? Эндиликда мени шу савол қийнаяпти. Назаримда, бошқалар ҳам худди менинг ҳолатимда. Ахир ёш эмасмиз-ку. Бугунги воқеа, яширмайман, ёшим анча ерга бориб қолган бўлса ҳам мен учун катта сабоқ бўлди, ҳаёт сабоғи. Бундай сабоқ бирор дарсликда йўқ, алломалар маърузаларида ҳам эшитмаганмиз. Нега биз мураккаб жумбоқни ечишда Шароф Рашидовичга ёрдам бермадик? Ўйлашимча, амал курсиси доирасидан, Низомда ёзиб қўйилган қоидалар, ақидалардан нарига ўта олмадик. Шароф Рашидовнинг катта арбобларга хос фазилати, ёзувчисанъаткор сифатидаги одамшунослиги, фикр доирасининг кенглиги яна бир бор бутун борлиғи билан намоён бўлди. Оқ тушган шу бошимни эгиб, Шароф Рашидович, Сизга сажда қилишдан ор этмайман. Мени тўғри тушунинглар. Бугунги ҳаёт мактаби ҳаммамиз учун сабоқ бўлмоғи даркор. Кимлар учун яшаяпмиз, қимлар учун ишлаяпмиз, ахир. Одамлар учун, деб жар соламиз. Лекин аниқ бир инсон тақдирини ҳал этишга келганда эса каловланиб қоламиз, масъулиятдан чўчиймиз. Ўзим учун чиқариб оладиган ҳозирча 'дастлабки хулосаларим мана шулардан иборат.

Ҳа, Иван Георгиевич ҳақ эди. Ўша кунги олган сабоғимиз ҳаммамиз учун бир умрга татигулик бўлганди.

II. ОҒИР ЖУМБОҚ

«Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» рўзномаларининг[1] чиқа бошлаганига бир неча ой бўлса ҳам на иш жойининг, на телефонларнинг тайини бор. Қўшни рўзномалардан муҳаррирининг баҳри кенгроқларидан икки хона, бундоқларидан биттадан хона олиб, ходимлар жойлаштирилган. Хуллас, «Правда Востока» кўчасидаги эски бинонинг биринчи қаватидан тортиб, то тўртинчи қаватигача таҳририят бўлимлари тарқалиб кетган. Ким ишга қачон келяпти, қачон кетяпти, назорат қилиб бўлмасди. Янги олинган ходимлар кўпчилигини ҳали яхши ўрганмаган эдим. Буларнинг ҳаммаси иш меъёрига, кайфиятига таъсир қилмасдан қолмасди.

Ўзим шундай аҳволдаману Марказком бўлимларидаги баъзи ходимлар ҳар куни қўнғироқ қилиб, ҳали у, ҳали бу мавзуда мақола эълон қилиш зарурлигини, баъзан эса фалон киши боради, унинг мақоласи рўзноманинг эртанги сонида бўлишини тайинлашади. Ҳар сафар кучим-қурбим етганича эътироз билдираман. Баъзан бир-биримизни тушуна-

1. Муаллиф 1974—1985 йилларда мазкур рўзноманинг муҳаррири бўлган.

3.

миз, баъзан эса мендан ҳафа бўлишади. Шунда мен кимнинг номидан — раҳбарият номиданми ёки ўз номингизданми бериляпти бу топшириқ, деб сўрашга мажбур бўламан.

Табиийки, бундай савол айрим кимсаларга ёқмасди. Уларнинг назарида Марказком ходимининг сўзи сира икки бўлмаслиги шарт, ҳамма улар сўзини ўринли ёки ўринсизми, бундан қатъи назар, қонун сифатида қабул қилиш даркор. Бундай ҳолат Марказком билан рўзнома ўртасидаги муносабат қандай бўлишини билмайдиган, баъзан эса билишни ҳам истамайдиган ходимларда кўпроқ содир бўларди.

Нима учундир ўша пайтдаги қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири Т. Г. Зинин кўпроқ безовта қиларди. Ҳали у мақола, ҳали бу мақола ёқмасди. Тунда қачон кетганимиздан қатъий назар, эрталаб соат 10 да яна иш жойимизда бўлардик. Уйқунинг чалалиги, жисмонан ва руҳан чарчоғимиз ёзилмасдан туриб, яна ғиди-биди бошланарди.

Бир куни хунобим ошиб турган пайтда яна телефон қилиб, қаёқдаги ёпишмайдиган тавсияларни берди.

— Сиз ўзингизда бўлсангиз, мен ҳозир етиб бораман, — дедим унга, — суҳбатни ўша ерда давом эттирамиз.

— Сиз бир нарсани унутяпсиз, чамамда, — мурожаат этдим Тимофей Григорьевичга, — рўзноманинг номи «Қишлоқ ҳақиқати» бўлгани билан қишлоқ хўжалик бўлимининг эмас, балки Марказком рўзномасидир. Бу деган сўз рўзнома қишлоқда яшаётган жамики аҳолининг интилиши, хоҳиши, талаб-истакларига жавоб бериши керак. Сиз эса уни агрономлар ва зоотехниклар рўзномасига айлантиришга уриняпсиз. Сўнгра ёдингиздан кўтарилган чоғи, эслатиб қўяй, сизни ҳам, мени ҳам Пленум тасдиқлаган. Шундай экан, бевосита кўрсатма беришга ҳаққингиз йўқ. Чарчаб кетдим сизнинг тавсияларингиздан. Агар ўзингизни бизга раҳбар деб ҳисобласангиз, таҳририятга боринг, ишлаш шароитимизни кўринг, ходимларимиз қандай яшаяпти — бу билан ҳам танишинг, ёрдам беринг, кейин маслаҳатингизни эшитишга тайёрмиз. Коллектив янги, ҳали у ўз қиёфасини топганича йўқ, камчиликлар кўп. Талаб қилиш, маслаҳат бериш осон, лекин қийини — амалий ёрдам бериш. Яна, сизга ўхшаган бўлим мудирларидан қанчаси бор бу ерда, агарда ҳар бирининг гапини қулоққа оладиган бўлсам, муҳаррир сифатида ишимни тополмай қоламан, мени тўғри тушунишингизни сўрайман.

Ҳар сўзга урғу бериб, бунинг устига беписанд ва зарда билан гапирганим, табиийки, унга ёқмади. Афтидан четдаги одамларнинг бирортасидан бундай муомалани кўрмаган. У котиба қизни чақирди.

— Мирзағани Искандарович (ўша пайтдаги мафкура бўлимининг мудири)ни илтимос қилинг, — деди.

Бўлим мудири бўлмагач, хонага унинг биринчи ўринбосари Р. А. Сафаров кириб келди. Т. Г. Зинин энди оғиз жуфтлаган эди, ҳамма гапни сўзма-сўз ўзим қайтариб айтаман, дедим.

— Рубен Акопович, жуда чарчадим, довдиратиб ташлашяпти, агар муҳаррир сифатида мен ёқмаётган бўлсам, Бюро номига ўртоқ Зинин хабарнома киритсин, бўлмаса бу кишининг устидан мен қўяман мазкур масалани. Ким ҳақ, ким ноҳақ ҳал этишсин. Аҳвол шу зайлда бориши мумкин эмас.

«Ўлганларни ҳақоратлаб, уларнинг тирик қариндошларини ранжитиб қўймаслар».

Мен гапирарканман, Р. А. Сафаров костюмим баридан тортиб-тортиб қўярди, бас қил, деган маънода. Ў менга насиҳат қилган, Т. Г. Зининнинг кўнглини кўтарган бўлди.

Орадан неча кунлар ўтди. Устозларимга бўлган гапни айтиб бердим. Шунда улардан бири деди:

— Чакки қилибсан, Зинин Шароф Рашидовнинг энг яқин одами, у билан маслаҳатлашишади, баъзан ҳисоблашади ҳам. Сен эса даврага эндигина қўшилдинг, буёғи ҳам бор. Умуман айтиб қўяй, у ердаги ходимлар билан муносабатда мулоҳазали бўл, ким қайси вазифада ишлашидан қатъий назар, у ёки бу киши ҳақида яхшими-ёмонми фикр уйғотадиганлар кўпинча ўшалар бўлади. Шуни ҳисобга олиб, бу ёғига ҳушёр бўл.

Очиғини айтсам, бу гаплардан сўнг кўнглим ҳижил бўлиб қолди. Рост-да, бугун бир томчи, эртасига иккинчи томчи нохолис гаплар қулоққа томизиб турилса, кунлар ўтган сайин ҳар қандай одам ҳам ўйланиб қолади.

Орадан ҳафталар ўтди. Лекин Т. Г. Зинин билан орамизда бўлиб ўтган паст-баланд гаплар безовта қилишини қўймасди. Яширмайман, рўзномамиз ҳақида юқорига бирор ножўя гапни айтиб қўймасайди, деган хавотирда эдим. Кунда қийналиб юргандан кўра биратўла эшитадиганимни эшитиб қўя қолай, деган тўхтамга келдим. Ўзи ишимизга боғлиқ ва маслаҳат олишим керак бўлган бир қанча масалалар бор эди.

Шароф Рашидович ҳузурига кириб ўзимиздаги муаммоларни гапириб бердим. Ҳар сафаргидек фикрларимни диққат билан эшитди, ҳар бир масала бўйича аниқ тавсиялар берди.

— Қийинчиликлардан қўрқманг, улар ўтиб кетади. Катта ва савоб иш қиляпсизлар, буни тушунинглар, — деди очиқ кўнгиллик билан. — Фақат бўшашманг, дадил бўлинг.

Фикримча, бу ерга келишдан асосий мақсадни айтадиган палласи келганди. Т. Г. Зинин билан ўртамизда бўлиб ўтган воқеани гапириб бердим.

— Айб менда бўлса, кечирим сўрайман, лекин у одам ҳам кунда бўлмаса ҳам икки куннинг бирида кишини хуноб қиладиган дашномларининг тизгинини бироз тортса бўлармиди...

Шароф ака ўйланиб қолди. Шу гапларни айтиб чакки қилдимми, деган хаёл кўнглимдан кечди.

— Ҳаммаси яхши бўлиб кетади, бориб ишингизни ҳотиржам давом эттираверинг, — шундай деди-ю Шароф ака ўрнидан турди. Суҳбат якунланган эди.

Орадан анча вақт ўтди. Ўзаро суҳбатдан Шароф ака қандай тўхтамга келганлиги мен учун ҳамон қоронғу.

Навбатдаги Бюро мажлисида кун тартибидаги барча масалалар кўриб бўлингач, Ш. Рашидов одати бўйича ҳозир бўлганларга мурожаат этди:

— Кимда қандай фикрлар бор?

— Кўрилаётган масалалар ниҳоятда муҳим, ҳаммаси рисоладагидек бўляпти, — дейишди бюро аъзолари.

— Бошқа гаплар бўлмаса, менда бир мулоҳаза бор, — деди Шароф ака. — Хабаринг бор, шу йилдан (1974 йил) бошлаб янги рўзномамиз — «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» чиқа бошлади. Коллектив ёш, муҳаррир ҳам ёш, лекин рўзнома кўзга ташланиб қолди. Талайгина муҳим муаммолар кўтарилди унда. Лекин таҳририят янги рўзғор мисоли, янги рўзғорга эса ёрдам бериш қадимдан қолган удумимиз. Ахир у ўзимизнинг рўзномамиз-ку. Ўртоқ муҳаррир, мана, мен сизнинг биринчи ёрдамчингизман, ўйлайманки, бошқалар ҳам мадад қўлини чўзади. Сизлар учун барча эшиклар ҳамиша очиқ...

Эй, қойил-э, ўша мени қийнаб келаётган жумбоқларнинг ҳаммаси бир зумда ечиб ташланган эди. Ҳозир бўлганлар нигоҳида шу топда айтилган гапларни маъқуллаш маъносини уқиш мумкин эди.

Шароф Рашидович кишилар билан ишлашнинг пири экан, деган фикр келди хаёлимга. Рост-да, содда қилиб айтганда, ўша гапдан кейин бошқа одам бўлганида эҳтимол, Зининни чақирар, мана, муҳарриримиз шундай деяпти, қани, сенинг фикринг қандай, деб. Табиийки, бундай вазиятда ҳар қандай киши ҳам ўзини оқлаш, ўз йўлининг тўғрилигини исботлаш учун яна қўшимча равишда нималардир дейди. Қарабсизки, муносабат равшанлашиши ўрнига мураккаблашади, бу эса ўз оқибатида ишга ҳам, кайфиятга ҳам таъсир қилмасдан қолмасди. Ёки ўша бирор бошқа кимса мен айтиб қўяман деб чақириб, гарчи насиҳат тўнида ётиғи билан гапирган тақдирда ҳам унинг кўнгилни хира қиладиган изи қоларди—«Ҳа, номард, мени ёмонлабди-да» деган маънода. Қарабсизки, тугун ечилиш ўрнига яна чигаллашади, очиқ бўлмаса ҳам пинҳона кураш давом этаверади.

Шароф Рашидович бу каби ҳодиса-воқеа-

4.

ларнинг қанчасини кўрган, гувоҳи бўлган. Шуларни ҳисобга олиб, ишни, одамларни ўйлаб, шундай бир йўлини топдики, унга қойил қолмасликнинг, тан олмасликнинг ҳеч иложи йўқ. Ўша гапдан кейин кўнгил ёришиб кетди, Марказқўм бўлимлари, улардаги ходимлар муносабатида бизга нисбатан катта ўзгариш юз берди. Биргаликда ишлаш, масалаларни ҳал этиш анча силлиқ кўчадиган бўлиб қолди.

Тимофей Григорьевичга келганда шуни айтишим керакки, ўшандан кейин биз жуда яқин дўст бўлиб қолдик. Қай маҳал мурожаат қилмай, ҳар қанча иши тиғиз бўлмасин, вақт топиб масаламизни ҳал этиш учун астойдил куйиб-пишарди.

Бир куни тайёрланаётган Бюро қарори лойиҳасига жиддий тузатиш киритишни сўраб бордим.

— Кечикдинг, нега эртароқ айтмадинг, Шароф Рашидовичдан бошқа ҳамма котиблар уни ўқиб, қўл қўйдилар, энди бунинг сира иложи йўқ.

— Мен сизга ишониб, бизга яқинлигингизни ҳисобга олиб, бу масалани тўғрилаб келаман, дегандим. Энди нима жавоб қиламан, ҳайронман, — дедим.

Тимофей Григорьевич бироз ўйланди-да сўнгра менга юзланиб:

— Сен ўтиратур, қани бир уриниб кўрайчи, — деб чиқиб кетди.

Орадан ярим соатлар ўтди чамаси, хонага мамнун ҳолда кириб келди.

— Иш пишди, ўзимнинг ҳам кўзим етмаганди бунга, лекин тўғриладик.

Бу ўша айтганим, Шароф Рашидовичнинг раҳбарлик санъати меваси эди.

Майда гапларни ташиб юрувчиларни ёқтирмасди у. Умум иши манфаатлари йўлида бирингизни қўллаб-қувватланг, ёрдам берингилар, деб таъкидларди. Иши ва сўзи билан одамлар ўртасига меҳр-оқибат, садоқат, инсонийлик уруғларини сепарди. Вақт ўтгач, бу саховат уруғлари униб чиқиб, кишилар ундан баҳраманд бўларди. Шу сабабдан бўлса керак ўз ишидан нолиб юрувчилар кам учрарди. Ҳар ким, у қандай лавозимда ишламасин, ишонч билан қадам ташларди.

«Тангри авф этувчидир ва авф этувчи кишиларни дўст тутади».

(Ҳадислардан).

III. МАҚОЛА НЕГА ЧИҚМАЙ ҚОЛДИ?

Кунларнинг бирида таниқли ёзувчиларимиздан бири Қува ноҳияси фирқа комитетининг ўша пайтдаги саркотиби Муса Шербўтаев ҳақида очерк олиб келди. Ўқиб қарасак, жуда яхши ёзилган. Лекин унда қаҳрамон тилидан Шароф ака менга устозлик қилган деган гапга урғу берилган. Бир қараганда бунга унчалик эътироз билдириш қийин. Ҳақиқатдан ҳам ўша одамнинг ҳаётида Шароф Рашидович катта роль ўйнаган. Доимо ишидан хабардор бўлиб турган, учрашиб, суҳбатлашиб, лозим топса керакли маслаҳат ва ёрдамини аямаган. Очерк қаҳрамони бир инсон сифатида миннатдорчилигини билдиряпти.

Иккинчи томондан бизда бошқа бир мулоҳаза ҳам пайдо бўлди: бундай олиб қараганда жумҳуриятдаги қайси бир раҳбар ходимни олманг, унга у ёки бу даражада Шароф Рашидовнинг меҳнати сингган, бошқача қилиб айтганда, ҳаммамиз ҳам ўзимизни у кишининг шогирди деб ҳисоблаймиз. Бу табиий бир ҳол. Чунки Шароф ака узоқ йиллардан бери жумҳуриятимиздаги барча катта-кичик ишларнинг бошида турган одам. Республика, вилоят, ноҳия даражасидаги раҳбар борки тайинланишидан, иш бошлашидан аввал у кишининг тавсия ва йўл-йўриқларини, оқ фотиҳасини олган. Шу маънода юзлаб эмас, балки минглаб киши ҳақиқатдан ҳам ўзларини Шароф акага шогирд деб ҳисоблар ва бу билан маълум даражада фахрланарди.

Шароф Рашидович Марказкомнинг биринчи котиби. Шундай бўлгач, ҳаммамиз у киши олдида бурчдор одамлармиз. Ана энди шу бурчдор кишиларнинг ҳаммаси Ш. Рашидовга шогирд эканликларини айта бошласа қандай бўларкин? Масаланинг яна бир нозик томони шундаки, Шароф Рашидович ўзини ортиқча мақтаганларни унча хуш кўрмасди. «Қишлоқ ҳақиқати» Марказком рўзномаси. Энди шу рўзнома Марказкомнинг биринчи котибини мақтаб, мақола чоп этса, одамлар нима деркин? Хуллас, бу ва бошқа хаёллар билан ўзаро маслаҳатлашиб, очеркни чоп этмасликка қарор қилдик. Билмадим, бу ўша пайтдаги биздаги романтиканинг қолдиғими ёки «билагонлик»ми... ҳар ҳолда шундай бўлганди.

Юз андиша билан узр сўраб, очеркни муаллифга қайтариб бердим. Ўша пайтда қанчалик изтироб чекканлигимни билсангиз эди. Боиси очерк муаллифи мен ва бошқалар учун устоз саналарди. Билмадим у кишида қандай таассурот қолди, лекин мен имкони борича ўз мулоҳазаларимни самимий билдиришга ҳаракат қилдим.

Орадан анча вақт ўтди. Кунлардан бирида таниш ҳамкасблардан бири «Нега Рашидов ҳақидаги мақола чиқмай қолди?» деб савол бериб қолди. Ҳайрон бўлдим. Бу воқеадан муаллиф ва таҳрир ҳайъати аъзоларигина хабардор эди. Қандай қилиб бу гап четга чиқиб кетгани ҳанузгача мен учун қоронғу.

Ҳаммамиз жонли одаммиз. Менда энди янги бир андиша пайдо бўлди. Бу воқеа Шароф ака қулоғига етиб борса, кўнглига нима келади, биз ҳақимизда не хаёлларга боради? Албатта, ҳеч вақт у киши «нега шундай қилдиларинг» деб сўрамайди, бундай бўлиши мутлақо мумкин эмас, лекин ҳар ҳолда у киши ҳам инсон-ку, ахир. Ҳеч нарса демасада, бир инсон сифатида кўнглига бирор хаёл келиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

Шу андиша, шу ўй-хаёллар билан Шароф ака ҳузурига боришга қарор қилдим.

Бор гапни минг мулоҳаза билан тушунтирдим. Назаримда у киши ҳар галдагидан ҳам эътибор билан тинглади сўзларимни. Оқсоқолларга хос нуронийлик, ўша файз ёғилиб турган сиймо самимий, менга худди туғишганидек меҳр билан тикилиб турарди. Шароф акада бир ҳислат бор эди: ўзаро суҳбат бошланиши билан кўп ўтмай ундаги қандайдир жозиба кучи (мен учун сирли куч бўлиб туюларди баъзан) бутун борлиғингиз билан ўзига мафтун қилиб қўярди. Шу сабабли кўпинча ўртадаги расмиятчилик пардаси кўтарилиб, дилингиздаги ўйларингизни охиригача айтиб қўйганингизни билмай ҳам қолардингиз. Буни фақат раҳбарга нисбатан кўрсатиладиган ҳурмат, деб бўлмайди, мутлақо. Расмий суҳбатларда бундай бўлиши мумкин эмас, айтмоқчи бўлган гапларингизнинг ярми ўзингизда қолиб кетади.

— Кўп андишада юрибман, мени Сиз тўғри тушунсангиз бўлгани, — дедим сўзимнинг охирида.

— Шундай қилиб, шунақа гаплар денг, — деди раҳматли кулиб. — Жуда тўғри йўл тутгансизлар, бундан кейин худди шу йўсинда иш юритинглар. Яна бир томони ҳам бор, балки уни айтишга истихола қилган бўлсангиз керак. Рашидовни мақтайдиган мақолалар чоп этиш тўғрисида унинг ўзи кўрсатма берган, дегувчилар ҳам йўқ эмас. Ана шундай майда-чуйда, сариқ чақага арзимайдиган таъна-дашномларнинг олди олинган.

Мен суҳбатнинг шу ерига келганда беихтиёр «йўғ-э» деб юборибман.

— Ишонинг, одамлар орасида шундай тоифалари ҳам бор. Кишиларни тўғри йўлдан чалғитиш учун худди шунга ўхшаш гапларни тарқатиб юришади. Ҳа, майли, ўзимизга тўғри бўлайлик, виждонимиз олдида қийналмасак бўлгани. Айтадилар-ку, ит ҳурар — карвон ўтар, деб. Меҳнатимизни халқ билса бўлгани, бошқалари ўтиб кетадиган гаплар. Шундай эмасми, ука?

«Ука» — у бу сўзни шунчалик самимий, шунчалик табиий айтди-ки, қалбимга бир умрга муҳрланиб қолди. Ҳамон унинг шу овози қулоқларимда, самимий боқишлари, сеҳрли нигоҳлари кўз олдимда.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ.

● ТАҲРИРИЯТДАН: республикамизга Рашидов ҳақида бор ҳақиқат ҳали ҳануз билган, у билан бирга ишлашган кишилар мақда. Айтмоқчимизки, инсонийлик удумлари — келгуси авлодларга у зоти шариф ҳақида қолажак холис хотираларни биргаликда қарийб чорак аср раҳбарлик қилган Шароф бутун тўлалиги билан айтилганча йўқ. Уни сафи эса, афсуски, йил сайин камайиб бормоқда. Ва жойига қўйиб, «ШАРОФНОМА» китобини биздан — Ш. Рашидов замондошларидан яратайлик.

ЖИЗЗАХ—ТРИПОЛИ

● Халқ дипломатиясини ривожлантириш мақсадида Ливия Араб республикасида бўлган Жиззах вилояти вакиллари бир қатор ибратли тадбирларни амалга оширдилар.

Ливия пойтахти — Триполи билан Жиззах шаҳри ўртасида узвий маданий ва иқтисодий алоқалар йўлга қўйиладиган бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон ва Ливия ўртасида валютасиз талабалар алмашинади. Шу йилнинг баҳорида эса ливиялик 50 оила Жиззахга ташриф буюради. Бу ерда ҳар иккала томон кейинги муносабатлар, амалга оширилажак янги тадбирлар ҳақида келишиб олдилар.

Ливияга борган Жиззах вилояти вакилларининг давлат раҳбари, таниқли сиёсий арбоб Муаммар Каддофий томонидан қабул қилиниши айниқса муҳим бўлди.

• СИЗДА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИК БОР?

ҚОРАТОШ ТЕГИРМОНЛАРИ

● Фориш районидаги Киров номли давлат наслчилик заводининг 5-бўлимида бир йўла иккита тегирмон ишлай бошлади.

Аср бошида қурилган тегирмонларни таъмирлашда бўлим бошқарувчиси Шавкат Эшонқулов бош-қош бўлди. Қоратош қишлоғидаги ҳар иккала тегирмон ўша даврдаги усул — сув билан, қадимги тегирмон тошлари ёрдамида сифатли, хуштаъм ун чиқармоқда. Шу боис, хўжаликнинг узоқ қишлоқларида яшовчи аҳолиси ҳам буғдойини янчиш учун шу тегирмонларга келишяпти.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.





Қадимий иморатлар таъмирланиб боришига имкониятлар яратилмоқда. Бухоро шаҳридаги «Меъмор» бирлашмасида сопол буюмлар цехи ишга туширилди. Бу ерда созловчи усталар буюртмасига биноан, турли шакл ва безакдаги ғиштлар тайёрлаб чиқариляпти.

СУРАТЛАРДА: сополсоз уста Амин Олимов (чапда) ва Қурбон Жўраев. Ўртада эса тайёрлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан намуналар.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

• Қайта қуриш афсонаси: Гдлян—Иванов

Виктор ИЛЮХИН

РИЁКОРЛАР

Терговчилар хоналардан қимматли ашёларни залга олиб чиқиб стол устига жамлашган. Нарсалар шу ерда баённомага ёзилган. Тинтув бошланганда уйда оила аъзоларидан ўн бир ёшли бола бўлган, холос. Мен кўпчилик терговчиларнинг жумладан, Гдлян гуруҳидагиларнинг ҳам, тўғри ва ҳалоллигини шубҳа остига олмоқчи эмасман. Аммо вазиятдан келиб чиқиб, биз текширувни Рўзметов уйидан йўқолган нарсалар тўғрисидаги маълумотдан бошладик. Ҳар қанча аччиқ бўлса ҳам гапиришга тўғри келади: машинадан нарсалар ўғирлангани аниқлаб бўлинган, олдимизда видеокассеталарни ҳисобдан чиқариш ҳақидаги ясама акт ётарди. Гувоҳларни аниқлаб улардан сўрашни бошладик. Олий маълумотли педагог, мутлақо манфаатдор бўлмаган шахс Э. Шеварева диққатга сазовор кўргазма берди: «Тинтув тамом бўлгандан сўнг баённома ёзиб ўтирган терговчи тилла тақинчоқлар солинган учта ғилофни ўз дипломатига солди. Ғилофлар фабриканки эди, ранги эсимда йўқ, уларда икки комплект тилла буюмлар, битта ёқут кўзли балдоқ ва ёқут тошли узукдан, иккинчиси ҳам балдоқ ва узукдан иборат бўлиб, менимча, уларда ёқут йўқ эди... Учинчи ғилофда аёлларнинг тилла билакузуги бор эди. Бу тилла тақинчоқларни терговчилар онага қарашли хонаданми ёки қизлар хонасиданми топишди. Ҳозир эса кўриб ҳайрон бўляпман, бу буюмлар тинтув баённомасида акс этмаганку. Шу тиллалар билан бирга дипломатга терговчи жойлаштирган пуллар баённомада кўрсатилган. Тилла буюмлар эса йўқ. Улар бор эди, юқорида мен айтган кўринишда ва ўша миқдорда эди. Нима учун мазкур баённомада улар ёзилмаганини билмайман. Шуниси аниқки, улар бор эди, терговчи пластмасса материалидан ясалган қора рангли дипломатга солган эди. Мен ўз кўзим билан кўрганман...».

Биз бошқа тергов ҳаракатларини бажаришга ўтгурмадик. Тергов ишимизни Трубин (бош прокурор) қонунсиз асосда бекор қилди. Рўзметовларнинг аризалари шу тариқа текширилмай қолиб кетди.

Бундан бошқа аризалар ҳам жуда кўп эди! Худди шунга ўхшаш кўпгина фактлар текширилмай қолди. Улар ҳақида ҳикоя қилиш ўринли деб ўйлайман. Бу, ўйлашимча, Гдляннинг ички қиёфасини кўрсатади, у ва унинг яқин кишилари тўғрисида газеталар орқали қилинган шов-шув ясама эканлигига ишонтира олади.

«ЭҲ, БЕВОШГИНА КАРАКОЗОВ!»

Тергов қисмининг бошлиғи Г. В. Каракозов Гдлянни ўз ишлаш ўрнида ишлаш ҳаракатларини ишлаш ўрнида ишлаш ўрнида ишлаш ўрнида